



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 25 » dekabr № 680

Toshkent sh.

Пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 12 декабрдаги ПФ–205-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Пахта хомашёсини биржа савдолари орқали сотишни тартибга солиш тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “25” декабрдаги 680 – сон қарорига
1-илова

**Пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини
ҳамда пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини
кредитлаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“Агроплатформа” АТ – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграция платформаси таркибига кирувчи ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун имтиёзли кредитларни ажратиш, маҳсулот етиштирувчиларга шаффофлик тамойилида хизмат кўрсатиш имкониятларини таъминлаб берадиган ахборот тизими;

Жамғарма – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма);

қарз олувчи – пахта-тўқимачилик кластерлари билан фьючерс шартномаси тузган пахта хомашёсини етиштирувчилар (фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари), уруғчилик хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари;

фьючерс шартномаси – пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида тегишли йил ҳосилининг йиғим-терими даврида пахта хомашёсини етказиб бериш шarti билан икки томонлама тузилган ҳамда “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржа” АЖнинг алоҳида “пахта хомашёси секцияси” орқали рўйхатдан ўтган шартнома;

кредит буюртманомаси – қарз олувчилар томонидан пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун кредит ажратиш мақсадида тижорат банки филиалларига “Агроплатформа” АТ орқали тақдим этилган буюртманомалар асосида тижорат банклари томонидан умумлаштирилган кредит буюртманомалари;

эълон қилинадиган нарх – Нью-Йорк биржасида пахта толаси фьючерс котировкаларининг охириги 12 ойдаги ўртача котировкаси тўғрисида “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖнинг расмий веб-сайтига жойлаштириладиган маълумот;

пахта хомашёси қиймати – тупроқнинг бир бонитет баллига нисбатан норматив ҳосилдорлиги (центнер/гектар) ҳамда эълон қилинган нарх асосида ҳисобланган қиймат;

молия йили – биринчи январдан ўттиз биринчи декабрнинг охиригача бўлган вақтни ўз ичига олган давр.

3. Пахта хомашёси учун эълон қилинган нарх асосида молия йилидан олдинги йилнинг 1 октябригача (2024 йил ҳосили учун 2024 йил 1 февралгача) пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида фьючерс шартнома тузилади.

4. Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан пахта хомашёсини етиштирувчиларнинг пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун имтиёзли кредитлар ажратилади.

Бунда пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун ажратиладиган кредитларнинг миқдори агротехник тадбирлар учун зарур бўладиган минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва кимёвий воситаларнинг нархлар динамикасини таҳлил қилиб, шунингдек, агротехник хариталардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Жамғарма томонидан ойма-ой белгиланади.

5. Жамғарма ва тижорат банки ўртасида:

пахта хомашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш тўғрисида тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 октябрига қадар;

фьючерс шартномаси асосида пахта хомашёсини етиштирувчилардан харид қилинган пахта хомашёсининг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш тўғрисида тегишли молия йилининг 20 августига қадар битим тузилади.

6. Жамғарма ўзининг кредит ресурсларини тижорат банкига пахта хомашёси учун эълон қилинган нарх асосида жойлаштиради.

7. Тижорат банки Жамғармага:

пахта хомашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш мақсадида агротехник тадбирларга мувофиқ ҳар ойда;

пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини (пахта йиғим-терими харажатларини) кредитлаш учун пахта йиғим-терими мавсумида кредит буюртманомаларини тақдим этади.

Жамғарма тақдим этилган кредит буюртманомаларига мувофиқ тижорат банкига кредит ресурсларини жойлаштиради.

Жамғарма томонидан жойлаштирилган кредит ресурслари тижорат банки томонидан белгиланган муддатда қайтарилмаганда, муддати ўтган қарздорликлар тижорат банкининг вакиллик ҳисобварақларидан қайтарилади.

8. Тижорат банки Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан қарз олувчига пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш учун муддатлилиқ, қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланганлик ва мақсадли фойдаланиш шарти асосида кредит линиясини очади.

Пахта хомашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш агротехник тадбирларнинг муддатларига мувофиқ тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 октябридан молия йилининг 1 сентябрига қадар амалга оширилади.

Пахта йиғим-терими харажатларини ва пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш молия йилининг 1 сентябридан бошланади.

2-боб. Жамғарма кредит ресурсларини тижорат банкига жойлаштириш тартиби

9. Жамғарма тижорат банки билан тузилган битимга асосан кредит ресурсларини:

а) пахта хомашёсини етиштирувчилар ва уруғчилик хўжаликларининг пахта хомашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш учун 14 ой муддатга, шундан 12 ойлик имтиёзли давр билан, пахта хомашёси қийматининг 60 фоизигача, йиллик 8 фоизда, кредит ресурсларини қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз жойлаштиради;

б) ер участкасига эгалик ҳуқуқи бўлган пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта хомашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш учун 24 ой муддатга (бунда кредитни қайтариш 19-ойдан бошланади), 18 ойлик имтиёзли давр ва сўнгги 6 ойда тенг улушларда қайтариш шарти билан, пахта хомашёси қийматининг 60 фоизигача, йиллик 8 фоизда, кредит ресурсларини қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз жойлаштиради;

в) уруғчилик хўжаликларининг пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш учун 3 ой муддатга, пахта хомашёси қийматининг 20 фоизигача, йиллик 8 фоизда, кредит ресурсларини қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз жойлаштиради;

г) ер участкасига эгалик ҳуқуқи бўлган пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш учун 12 ой муддатга, 3 ойлик имтиёзли давр ва сўнгги 9 ойда тенг улушларда қайтариш шарти билан, пахта хомашёси қийматининг 20 фоизигача, йиллик 8 фоизда, кредит ресурсларини қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз жойлаштиради;

д) пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш учун 10 ой муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр ва сўнгги 4 ойда тенг улушларда қайтариш шарти билан, пахта хомашёси қийматининг 80 фоизигача (шундан, 20 фоизи пахта йиғим-терими харажатлари учун), йиллик 8 фоизда, кредит ресурсларини қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз жойлаштиради.

10. Тижорат банки томонидан кредитлар битимда белгиланган муддатда қайтарилмаса, кредитларнинг қайтарилмаган қисмига фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасига 1,5 барвар қўшилган миқдорда ҳисобланади.

Кредитларнинг мақсадсиз ишлатилган қисмига қўлланиладиган жарима миқдори Жамғарма ва тижорат банки ўртасида тузиладиган битимда белгиланади.

Тижорат банкига жойлаштирилган кредит ресурсларининг ишлатилмаган қисми тижорат банки томонидан кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан Жамғармага қайтарилади.

3-боб. Тижорат банки томонидан қарз олувчининг аризасини қўриб чиқиш тартиби

11. Қарз олувчи кредит олиш учун унинг асосий талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган тижорат банкига “Агроплатформа” АТ орқали ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича фьючерс шартномаси;

б) пахта хомашёсини етиштирувчилар, уруғчилик хўжаликлари ҳамда ер участкасига эгалик ҳуқуқи бўлган пахта-тўқимачилик кластерлари:

ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси);

туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг ғўза экинини жойлаштириш тўғрисидаги электрон рақамли имзо билан тасдиқланган маълумотномаси.

Бунда туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари томонидан тасдиқланган тупроқнинг бир бонитет баллига нисбатан норматив ҳосилдорлиги (центнер/гектар) тўғрисидаги маълумотнома ҳамда туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг ғўза экинини жойлаштириш тўғрисидаги электрон рақамли имзо билан тасдиқланган маълумотномаси “Агроплатформа” АТ жойлаштирилади ҳамда тижорат банклари ва Жамғарма ушбу маълумотномалардан фойдаланади.

в) пахта-тўқимачилик кластерлари пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун:

пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича фьючерс шартномаси;

пахта йиғим-терими мавсумида электрон тарозидан қабул қилинган пахта хомашёсини мажбурий ҳисобга олиш тизими орқали расмийлаштирилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат.

12. Ҳар йили 15 сентябрга қадар келгуси йил пахта ҳосили учун қуйидаги маълумотномалар “Агроплатформа” АТга жойлаштирилади:

туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишли туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг ғўза экинини жойлаштириш тўғрисидаги маълумотномаси;

туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари томонидан тегишли ҳудуддаги тупроқнинг бир бонитет баллига нисбатан норматив ҳосилдорлиги (центнер/гектар) тўғрисидаги маълумотнома.

13. Қарз олувчининг тўлов интизоми ва кредит тарихидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таъминот турларидан бири қабул қилинади:

қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг тижорат банки фойдасига суғурта қилинганлиги ёки қарз олувчининг бўлажак ҳосил суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

мол-мулклари (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга қаратилмайдиган мол-мулклар бундан мустасно);

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган кафиллик ёки бошқа таъминот турлари.

14. Ушбу Низомнинг 11-бандида қайд этилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг тижорат банки томонидан қарз олувчининг аризаси 3 иш куни ичида кўриб чиқилади.

Қарз олувчининг аризаси бўйича ижобий хулоса қилинганда, тижорат банки филиали ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилади.

Бунда фьючерс шартнома “Ўзбекистон республика товар-хонашё биржаси” АЖнинг алоҳида “пахта хонашёси секцияси” орқали рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, тижорат банки томонидан кредит шартномаси тузилмайди.

Кредит бериш рад этилганда, тижорат банки қарз олувчини 2 иш куни ичида рад этиш сабабларини асослантирган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

15. Кредит қарз олувчининг асосий талаб қилиб олинганча сақланадиган депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган тижорат банки томонидан берилади.

4-боб. Қарз олувчига кредит ажратиш тартиби

16. Кредит микдори ҳар йили эълон қилинадиган нарх асосида тупроқнинг бир бонитет баллига нисбатан норматив ҳосилдорлигини (центнер/гектар) ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

17. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан, қарз олувчига кредит ҳисобварағи очилади.

18. Тижорат банки қарз олувчи билан пахта хонашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш бўйича тузган кредит шартномасига асосан:

а) пахта хонашёсини етиштирувчилар ва уруғчилик хўжаликларининг пахта хонашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш учун 14 ой муддатга, шундан 12 ойлик имтиёзли давр билан, пахта хонашёси қийматининг 60 фоизигача, йиллик 10 фоизда (шундан банк маржаси 2 фоиз) кредит ажратади;

б) ер участкасига эгалик ҳуқуқи бўлган пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта хомашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш учун 24 ой муддатга (бунда кредитни қайтариш 19-ойдан бошланади), 18 ойлик имтиёзли давр ва сўнгги 6 ойда тенг улушларда қайтариш шарти билан, пахта хомашёси қийматининг 60 фоизигача, йиллик 10 фоизда (шундан банк маржаси 2 фоиз) кредит ажратади;

в) уруғчилик хўжаликларининг пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш учун 3 ой муддатга, пахта хомашёси қийматининг 20 фоизигача, йиллик 10 фоизда (шундан банк маржаси 2 фоиз) кредит ажратади;

г) ер участкасига эгалик ҳуқуқи бўлган пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш учун 12 ой муддатга, 3 ойлик имтиёзли давр ва сўнгги 9 ойда тенг улушларда қайтариш шарти билан, пахта хомашёси қийматининг 20 фоизигача, йиллик 10 фоизда (шундан, банк маржаси 2 фоиз) кредит ажратади;

д) пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш учун 10 ой муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр ва сўнгги 4 ойда тенг улушларда қайтариш шарти билан, пахта хомашёси қийматининг 80 фоизигача (шундан 20 фоизи пахта йиғим-терими харажатлари учун), йиллик 10 фоизда (шундан банк маржаси 2 фоиз) кредит ажратади.

Бунда пахта-тўқимачилик кластерлари пахта хомашёсини етиштирувчилардан қабул қилинган пахта хомашёси қиймати учун тўловларни, шундан пахта хомашёси қийматининг 80 фоизини пахта хомашёси қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан, қолган қисмини молия йилининг 31 декабрига қадар ўз маблағлари, шунингдек, тижорат кредитлари ҳисобидан амалга оширади.

19. Кредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисмига қўлланиладиган жарима миқдори кредит шартномасида белгиланади.

Қарз олувчи томонидан муддатидан олдин сўндирилган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари тижорат банки томонидан кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан Жамғармага қайтарилади.

5-боб. Кредитлар мониторинги ва уларни сўндириш тартиби

20. Агар кредит ажратишда таъминот сифатида суғурта полиси қабул қилинганда, тижорат банки тегишли суғурта ташкилотлари билан биргаликда Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан ажратилган кредитларни ҳар ойда камида бир маротаба жойига чиққан ҳолда мониторинг, шунингдек, доимий масофавий мониторинг қилади. Бунда:

масофавий мониторингни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Агроплатформа” АТни белгиланган тартибда сунъий йўлдошга (учувчисиз учадиган аппаратларга) интеграция қилиш орқали тижорат банклари ва суғурта ташкилотларига кўмаклашади;

тижорат банки тегишли суғурта ташкилотлари билан биргаликда ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар кредит мониторинги натижалари бўйича маълумотларни “Агроплатформа” АТга жойлаштириб боради.

21. Кредит мониторинги:

а) ҳар бир пахта хомашёсини етиштирувчи, уруғчилик хўжалиги ва ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган пахта-тўқимачилик кластери бўйича ғўза экиннинг ҳолатини, бўлажак ҳосилнинг берилган кредитларни қайтариш учун етарлигини, шу жумладан, пахта хомашёсини етиштириш учун агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилганлигини аниқлаш мақсадида;

б) ҳар бир пахта-тўқимачилик кластери бўйича пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун ажратилган кредитлар ҳисобидан харид қилинган пахта хомашёсини кредит олиш учун тижорат банкига аввал тақдим этилган электрон тарозидан ўтганлиги ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатга мослигини ҳамда сақлаш қоидаларига амал қилинаётганлигини ўрганиш мақсадида ўтказилади.

22. Кредит мониторинги натижаларига кўра:

а) пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун ажратилган кредит: чигит (тўлиқ ёки қисман) экилмаганлиги;

ғўза экини ҳолатининг қониқарсизлиги;

агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилмаганлиги оқибатида кутилган ҳосилни олишнинг имкони йўқлиги аниқланганда;

б) пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун ажратилган кредит ҳисобидан харид қилинган пахта хомашёсининг миқдорини тижорат банкига аввал тақдим этилган ҳужжатларга мос келмаслиги, харид қилинган пахта хомашёси сифатининг бузилганлиги, сақлаш қоидаларига амал қилинмаётганлиги аниқланганда, шунингдек, қарз олувчи томонидан мониторинг ўтказишга имкон берилмаганда, бу ҳақда тижорат банки, суғурта ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида уч томонлама далолатнома тузилади.

Тузилган далолатнома асосида тижорат банки кредитлашни тўхтатади ва кредит ҳамда унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш бўйича тегишли чораларни кўради. Бу чоралар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

6-боб. Кредитларни сўндириш тартиби

23. Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун ажратилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида пахта хомашёсини етиштирувчилар, уруғчилик хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерларига тижорат банклари томонидан 23210 ҳисобварағи очилади.

24. 23210 ҳисобварағига тушган маблағлар ҳисобидан, биринчи навбатда:

а) пахта хомашёсини етиштирувчилар пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан олинган кредитлар ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини сўндиради;

б) пахта-тўқимачилик кластерлари ва уруғчилик хўжаликлари Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатлари учун олинган кредитлар ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини сўндиради.

25. Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хомашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун ажратилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари тўлиқ сўндирилгандан сўнг тижорат банки 23210 ҳисобварағида қолган маблағларни қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига мемориал ордер билан ўтказди.

Қарз олувчи ушбу маблағлардан қўшилган қиймат солиғидан ҳосил бўлган қарздорликни тўлиқ сўндиргандан сўнг эркин фойдаланиши мумкин.

26. Кредит ҳисобварағидан тўловлар қарз олувчининг тўлов топшириқномалари ва электрон тўлов воситалари асосида амалга оширилади.

Тўловлар товар ва хизматлар хариди бўйича расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Бунда харид қилинган товар ва хизматлар қайтарилганда, қайтариладиган маблағлар тўлов амалга оширилган ҳисобварақларга қайтарилади.

27. Қарз олувчи пахта хомашёсини етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирлар учун кредитдан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ва хизмат кўрсатувчиларни ихтиёрий танлайди.

28. Жамғарма маблағлари айланадиган ҳисобварақларга инкассо топшириқномалари қўйилишига, шунингдек, уларни ундириб олиш ва тақиқ қўйишга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилмайди.

29. Қарз олувчи томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан олинган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари муддатидан олдин сўндирилиши мумкин.

30. Кредитни қайтариш муддати келганда ва уни сўндириш учун қарз олувчининг маблағи етарли бўлмаганда, тижорат банки кредитни сўндиришни қуйидаги таъминот турларига қаратади ва сўндириш чораларини кўради:

суғурта полиси асосида суғурта ташкилотларига суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида мурожаат қилади;

қарз олувчининг мол-мулкларига (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга қаратилмайдиган мол-мулклар бундан мустасно);

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган кафиллик ёки бошқа таъминот турларига қаратади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

31. Кредитларнинг мақсадли сарфланиши бўйича мониторинг юритиш тижорат банклари, пахта хомашёсини етиштирувчилар, уруғчилик хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари зиммасига юкланади.

32. Тижорат банкларига жойлаштирилган Жамғарманинг кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “25” декабрдаги 680 – сон қарорига
2-илова

**Пахта хомашёсини биржа савдолари орқали сотишни
тартибга солиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом республикада етиштирилган пахта хомашёсини биржа савдоларига қўйиш, сотиш ва харид қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аванс – сотувчи ва харидор томонидан киритиладиган, биржа воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалини ўз ичига оладиган маблағ;

биржа – “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖ;

биржа аъзолари – биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилер ва брокер сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар;

Жамғарма – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

манипуляция – биржа савдолари иштирокчиларининг қўшимча даромад олиш мақсадида нархларни сунъий ўзгартиришга, бир даражада ушлаб туришга ва бошқа иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир этишга қаратилган ҳаракатлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида қасддан ёлғон маълумотлар тарқатиш;

сотувчи – пахта хомашёсини етиштирувчилар;

харидор – биржа савдолари орқали пахта хомашёсини сотиб олувчи юридик шахслар;

фьючерс шартномаси – тегишли йил ҳосилидан пахта хомашёсини йиғим-терим даврида етказиб бериш шarti билан тузиладиган олди-сотди битими;

spot шартномаси – биржа товарларининг уларни кечиктирмасдан (бир ой ичида) етказиб бериш шarti билан тузиладиган олди-сотди битими;

стандарт биржа контракти – биржа томонидан белгиланган тартибда котиловкалаш варағига киритилган стандарт биржа контракти;

эълон қилинадиган нарх – Нью-Йорк биржасида пахта толаси фьючерс котиловкаларининг охириги 12 ойдаги ўртача котиловкаси тўғрисида “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖнинг расмий веб-сайтига жойлаштириладиган маълумот;

23210 – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ажратилган мақсадли маблағлар ҳисобварағи.

3. Мазкур Низомга асосан сотувчи томонидан пахта хомашёси ички бозорда муайян ҳудуддаги (вилоятдаги) пахта-тўқимачилик кластерига биржа орқали фьючерс шартномаси асосида ҳамда фьючерс шартномасидан ортиқча ҳажмда ёки тўлиқ ўз маблағи ва/ёки тижорат кредити ҳисобидан етиштирилган пахта хомашёси ёки пахта хомашёсини тегирмон усулида қайта ишлаш натижасида олинган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотлар (тола, чигит, линт, ўлик пахта) барча харидорларга биржа савдолари орқали эркин сотилади.

4. Фьючерс шартномасидан ортиқча ҳажмда етиштирилган пахта хомашёси ёки уни қайта ишлаш натижасида олинган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларни (тола, чигит, линт, ўлик пахта) сотувчи томонидан тўғридан-тўғри фьючерс шартномаси тузган харидорга сотиш шартномаси биржанинг ахборот порталида тузилади ва ушбу шартнома бўйича тўловлар биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш (тўлов ҳужжатларига мувофиқ пул ўтказиш) қоидалари асосида амалга оширилади.

5. Биржа харидорнинг сотувчига пахта маҳсулотлари учун амалга оширган тўловлари тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган тизим орқали солиқ органига тақдим этиб боради.

2-боб. Пахта хомашёсини фьючерс шартномаси асосида сотиш

6. Сотувчи ҳар йили 1 ноябрдан бошлаб 31 декабргача (2024 йил учун 2024 йил 1 февралгача) келгуси йил учун пахта хомашёсини ўзининг ҳудудидаги (Қорақалпоғистон Республикаси ёки тегишли вилоят ҳудудида жойлашган) пахта-тўқимачилик кластерига сотиш бўйича стандарт биржа контрактини очиш учун биржага ариза билан мурожат қилади.

Бунда фьючерс шартномаси асосида пахта хомашёсини биржа савдосига қўйиш учун бошланғич нарх эълон қилинадиган нархга мазкур Низомга 1-иловада кўрсатиб ўтилган коэффициентни қўллаган ҳолда белгиланади.

7. Пахта хомашёсининг биржа савдолари намунавий биржа контрактлари асосида амалга оширилади, бунда пахта хомашёси етиштириладиган ҳудуд, унинг лот миқдори, нави, тури, синфи (чигит нави) мажбурий тарзда акс эттирилади.

Намунавий контракт сотувчининг аризасига асосан очилади.

8. Пахта хомашёси фьючерс шартномаси доирасида сотувчи жойлашган ҳудуддаги (Қорақалпоғистон Республикаси ёки тегишли вилоятлар бўйича) пахта-тўқимачилик кластери томонидан харид қилинади.

9. Сотувчи ва харидор томонидан фьючерс шартномаси доирасида биржа савдосига қўйиладиган маҳсулотнинг умумий қиймати ва мўлжалланаётган битим ҳажми бўйича сотувчи томонидан белгиланадиган 0,1 фоиз миқдорида аванс маблағи биржанинг ҳисобварағига ўтказилади.

10. Биржа аъзолари сотувчи ва харидорнинг мурожаатига асосан биржа савдоларининг электрон тизимига (кейинги ўринларда – БСЭТ) аризаларни жойлаштириш орқали биржа битимларини амалга оширади.

11. БСЭТда сотувчи ва харидорнинг буюртмаларини бирлаштириш натижасида тузилган битимлар рўйхатга олинади ва сўнгра БСЭТнинг дастурий комплексида битимлар реестри шакллантирилади.

12. Битим тузилганидан сўнг фьючерс шартномаси доирасида харидор томонидан пахта хомашёси учун тўлов маблағларининг 80 фоизи пахта хомашёси қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирилмасдан, қолган қисми тегишли молия йилининг 31 декабрига қадар сотувчининг 23210 ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Харидор фьючерс шартномаси доирасида қабул қилган пахта хомашёси учун тўловларни белгиланган муддатда тўламаганда, кечиктирилган ҳар бир кун учун фьючерс шартномаси қийматидан тўланмаган тўловнинг 0,5 фоизи миқдоридаги пеняни сотувчига тўлаб беради.

13. Пахта хомашёсининг нархи (биринчи нав, иккинчи синф) Нью-Йорк биржасида пахта толасининг фьючерс котировкаларининг охирги 12 ойдаги ўртача котировкасидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги формула асосида миллий валютада (сўм) аниқланади:

$$Bx = (J_n \times B_k - K_x) \times T_{\text{ч}} + I_{\text{мқ}}$$

Бунда:

Bx – бир тонна пахта хомашёсининг миллий валютадаги (сўм) нархи;

J_n – бир тонна пахта толасининг Нью-Йорк биржаси ўртача 12 ойлик фьючерс котировкалари бўйича АҚШ доллараридаги ўртача нархи (ўртача фьючерс котировкаси $\times 22,046$);

B_k – Марказий банкнинг пахта йиғим-терими мавсумида кутилаётган ўртача валюта курси, сўм/доллар;

K_x – пахта-тўқимачилик кластерининг бир тонна пахта толасига тўғри келадиган пахта хомашёсини тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича харажатлари пахта толасининг Нью-Йорк биржаси ўртача 12 ойлик фьючерс котировкалари бўйича АҚШ доллараридаги ўртача нархининг 25 фоизи миқдорида, сўмда;

$T_{\text{ч}}$ – ўртача тола чиқиш коэффиценти (33,5%);

$I_{\text{мқ}}$ – бир тонна пахта хомашёсига тўғри келадиган иккиламчи маҳсулотнинг ўртача 12 ойлик қиймати, сўмда (чигит чиқиш коэффиценти – 53%, линт – 4%, ўлик пахта – 2%).

Юқорида келтирилган формула асосида ҳисобланган ўртача нархдан келиб чиқиб, пахта хомашёсининг бошланғич нархи мазкур Низомга 1-иловадаги ҳар бир саноат нави, синфи ва типи бўйича коэффицентларни ўртача нархга кўпайтирган ҳолда аниқланади.

14. Қуйидагилар:

пахта хомашёсининг нав ва синфлар бўйича нархини ҳисоблаш коэффицентлари 1-иловага мувофиқ;

пахта толасининг тип ва кодлар бўйича нархини қайта ҳисоблаш коэффицентлари 2-иловага мувофиқ аниқланади.

Харидор пахта хомашёсини давлат стандарти (O‘z DSt 615:2008) талаблари асосида сифат кўрсаткичларига (намлик, ифлослик) мувофиқ қабул қилади.

Пахта хомашёсини қабул қилиш жараёнида эътирозлар юзага келганда, сотувчи ҳудудлардаги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг малакали мутахассисларидан иборат арбитраж гуруҳларига муурожаат қилиши ва ҳулосасини олиши мумкин.

15. Сотувчи фьючерс шартномаси доирасида пахта хомашёси бўйича тўловларни тўлиқ қабул қилгандан сўнг бир иш куни ичида биржани тўловлар тўлиқ амалга оширилган сана ҳақида хабардор қилади.

Биржа ушбу хабарномада берилган маълумотларни солиқ органи томонидан тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактураларга солиштириб текширади.

16. Сотувчи ва харидор фьючерс шартномасида назарда тутилган юклаш даври доирасида пахта хомашёсини юклаш муддатини келишади.

Бунда сотувчи фьючерс шартномаси доирасида пахта хомашёсини харидорнинг тегишли омборига маҳсулотни етказиб бериш харажатларини харидор томонидан қоплаш шарти билан етказиб бериши мумкин.

17. Сотувчи фьючерс шартномаси доирасида пахта хомашёси харидорга етказиб берилганлигини ҳамда маҳсулот учун тўловлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганда, биржада битим ёпилади ва закат суммаси биржа томонидан тарафларга қайтарилади.

3-боб. Пахта хомашёсини биржа савдолари орқали эркин сотиш

18. Пахта хомашёсини етиштирувчининг пахта-тўқимачилик кластери билан биржанинг алоҳида “пахта хомашёси секцияси” орқали тузган фьючерс шартномасидан ортиқча ҳажмда ёки тўлиқ ўз маблағи ва/ёки тижорат кредити ҳисобидан етиштирилган пахта хомашёси ёки пахта хомашёсини тегирмон усулида қайта ишлаш натижасида олинган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотлар (тола, чигит, линт, ўлик пахта) барча харидорларга биржа савдоларида спот шартномалари асосида эркин сотилади.

19. Стандарт биржа контракти пахта хомашёсини етиштирувчилар томонидан биржага тақдим этиладиган ариза ҳамда техник жиҳатдан малакалилиги маъқулланган синов лабораториясида расмийлаштирилган синов баённомаси асосида очилади.

20. Биржа савдолари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига, биржа савдолари ва ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

21. Сотувчи ва харидор биржа савдоларида мустақил равишда биржа билан тузилган битимга мувофиқ дилер сифатида ёки брокер номидан трейдерлар орқали мустақил иштирок этадилар.

22. Тўланган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир биржа савдоси бўйича сотувчи ва харидорни биржа савдоларга қўйиш ва улардан четлатиш, биржа савдолари ғолибларини аниқлаш ва биржа битимларини рўйхатдан ўтказиш БСЭТда амалга оширилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

23. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, уларга нисбатан тузилган олди-сотди шартномаси ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ тегишли чоралар қўлланилади.

24. Биржа савдоларида нархлар манипуляцияси ички (инсайдерлик) маълумотлардан фойдаланиш ва асоссиз даромад олишнинг рақобатга зид бошқа усулларида фойдаланишнинг олдини олиш қоидалари асосида назорат қилинади.

25. Биржа савдоларини ташкил қилиш, шартномалар мажбуриятларини бажариш ва ҳисоб-китоб-клиринг хизматларини кўрсатиш жараёнида юзага келадиган баҳс ва келишмовчиликлар биржанинг арбитраж комиссияси томонидан ҳал этилади.

26. Сотувчи ёки харидор тўловларни тўлаш ва маҳсулотни танлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда:

мажбуриятларни бажармаган томоннинг закалат пуллари жабрланувчи фойдасига жарима сифатида ушлаб қолинади;

тузилган фьючерс шартномаси шартлари асоссиз бажарилмаганда, биржа битими бўйича шартнома қийматининг бажарилмаган қисмининг 10 фоизи миқдорида жарима қўлланилади.

Пахта хомашёсини биржа савдолари орқали
сотишни тартибга солиш тўғрисидаги низомга
1-илова

**Пахта хомашёсининг нав ва синфлар бўйича нархини
ҳисоблаш коэффициентлари
(базис – 1-нав, 2-синф)**

Навлар	Синфлар	Эълон қилинадиган нархга нисбатан қўлланиладиган коэффициент
1-нав	1-синф	1,026
	2-синф	1,000
	3-синф	0,800
2-нав	1-синф	0,938
	2-синф	0,860
	3-синф	0,791
3-нав	1-синф	0,822
	2-синф	0,731
	3-синф	0,517
4-нав	1-синф	0,612
	2-синф	0,475
	3-синф	0,363
5-нав	3-синф	0,254

Пахта хомашёсини биржа савдолари орқали
сотишни тартибга солиш тўғрисидаги низомга
2-илова

**Пахта толасининг тип ва кодлар бўйича нархини
қайта ҳисоблаш коэффициентлари**

Узун толали						
Тола тури	1a	1б	1	2	3	
Узунлиги (дюйм)	1,11/32	1,5/16	1,9/32	1,1/4	1,7/32	1,3/16
Коди	43	42	41	40	39	38
Коеффициент	1,6080	1,4699	1,4008	1,2331	1,1147	
Ўрта толали						
Тола тури	4		5		6	
Узунлиги (дюйм)	1.5/32	1.1/8	1.3/32	1.1/16	1.1/32	
Код	37	36	35	34	33	
Коеффициент	1,0000		0,9865	0,9737	0,9618	

